

ЖИНОЯТ ИШЛАРИНИ БИРИНЧИ ИНСТАНЦИЯ СУДИДА ИШ ЮРИТИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛИШИ ОДИЛ СУДЛОВНИНГ АСОСИЙ КАФОЛАТИДИР

Холмуминов Шухрат Тоштемирович

Судьялар Олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби

Жиноят ҳуқуқи ихтисослиги тингловчиси.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.14994666>

Аннотация. “Жиноят ишларини юритиши” ва “одил судлов” – XXI асрда инсониятнинг одил судловга эришиши ҳар қандай даврда инсониятнинг асосий мақсадларидан биридир. Сўнги йилларда жиноят ишларини биринчи инстанция судида кўришда Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси нормалари такомиллаштирилмоқда.

Калит сўзлар: “жиноят процесси”, “одил судлов” ҳамда “жиноят ишларини биринчи инстанция судида юритишни такомиллаштириши”.

IMPROVING THE CONDUCT OF CRIMINAL CASES IN THE COURT OF FIRST INSTANCE IS THE MAIN GUARANTEE OF FAIR TRIAL

Abstract. “Criminal proceedings” and “fair trial” – in the 21st century, achieving a fair trial is one of the main goals of humanity in any era. In recent years, the norms of the Criminal Procedure Code of the Republic of Uzbekistan for the consideration of criminal cases in the court of first instance have been improved.

Keywords: “criminal proceedings”, “fair trial” and “improving the conduct of criminal cases in the court of first instance”.

УЛУЧШЕНИЕ ВЕДЕНИЯ УГОЛОВНЫХ ДЕЛ В СУДАХ ПЕРВОЙ ИНСТАНЦИИ — ВАЖНЕЙШАЯ ГАРАНТИЯ СПРАВЕДЛИВОГО СУДЕБНОГО РАЗБИРАТЕЛЬСТВА

Аннотация. «Уголовное судопроизводство» и «справедливый суд» — достижение справедливого суда является одной из главных целей человечества в любую эпоху в 21 веке. За последние годы совершенствуются нормы Уголовно-процессуального кодекса Республики Узбекистан при рассмотрении уголовных дел в судах первой инстанции.

Ключевые слова: «уголовный процесс», «справедливое судебное разбирательство» и «совершенствование ведения уголовных дел в суде первой инстанции».

Жиноят ишларини биринчи инстанция судида иш юритишни такомиллаштиришда албатта Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси нормаларини такомиллаштирилиши зарур.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 276-моддаси 1-қисмида “Жиноят туфайли ёки ақли норасо шахснинг ижтимоий хавфли қилмиши натижасида ўзини мулкӣ зиён кўрган деб ҳисобловчи шахс ёхуд унинг вакили жиноят иши кўзғатилган пайтдан бошлаб то суд тергови бошлангунга қадар фуқаровий даъво кўзғатишга ҳақлидир¹” деган норма мавжуд, ушбу нормани қуйидаги таҳрирда қабул қилинса мақсадга мувофиқ бўлади: Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 276-моддаси 1-қисмида “Жиноят туфайли ёки ақли норасо шахснинг ижтимоий хавфли қилмиши натижасида ўзини мулкӣ зиён кўрган деб ҳисобловчи шахс ёхуд унинг вакили жиноят иши кўзғатилган пайтдан бошлаб то **суд алоҳида хонага ёки маслаҳатга киргунга қадар** фуқаровий даъво кўзғатишга ҳақлидир”, чунки фуқаровий даъвогарнинг ҳуқуқлари тўлиқ таъминланишига эришилади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 416-моддаси 2-қисмида “Янги айблов дастлабки айблов билан узвий боғлиқ бўлган ва уларни алоҳида-алоҳида кўриш имконияти бўлмаган ҳолларда, судланувчини янги айблов бўйича жиноий жавобгарликка тортиш асосларини аниқлаш тартиби давлат айбловини қўллаб-қувватловчи прокурорнинг ёки жабрланувчининг, унинг вакилининг ёхуд судланувчининг, унинг ҳимоячисининг, қонуний вакилининг илтимосномасига кўра амалга оширилади²” деган норма мавжуд. Судда иш юритишни такомиллаштириш учун ушбу моддани қуйидаги таҳрирда қабул қилиш зарур: Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 416-моддаси 2-қисмида “Янги айблов дастлабки айблов билан узвий боғлиқ бўлган ва уларни алоҳида-алоҳида кўриш имконияти бўлмаган ҳолларда, судланувчини янги айблов бўйича жиноий жавобгарликка тортиш асосларини аниқлаш тартиби **суднинг ташаббуси**, давлат айбловини қўллаб-қувватловчи прокурорнинг, жабрланувчининг, унинг вакилининг ёки судланувчининг, унинг ҳимоячисининг, қонуний вакилининг илтимосномасига кўра амалга оширилади”. Амалдаги қонунчилигимизга мувофиқ судлар дастлабки терговда эълон қилинган айбловдан оғирроқ айбловга ўтиши мумкинлиги назарда тутилмаган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 417-моддаси 2-қисмида “Тахмин қилинаётган жиноят кўрилаяётган иш билан узвий боғлиқ бўлган ва бу ишларни алоҳида-алоҳида кўриш имконияти бўлмаган ҳолларда, давлат айбловини қўллаб-қувватловчи прокурор ёки жабрланувчи, унинг вакилининг ёхуд судланувчининг, унинг ҳимоячисининг, қонуний вакилининг илтимосномасига кўра суд бошқа шахсни ишда айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш учун асосларни аниқлаш юзасидан

¹ Ўзбекистон Республикаси «Жиноят-процессуал кодекси»

² Ўзбекистон Республикаси «Жиноят-процессуал кодекси»

тегишли процессуал ҳаракатларни бир ойгача бўлган муддатда ўтказишни иш бўйича айблов далолатномаси ёки айблов хулосасини тасдиқлаган прокурорга топшириш ҳақида ажрим чиқаради³” деган норма мавжуд. Иш юритишни такомиллаштириш учун ушбу нормани қуйидаги таҳрирда қабул қилиш мақсадга мувофиқ: Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 417-моддаси 2-қисми “Тахмин қилинаётган жиноят кўрилатган иш билан узвий боғлиқ бўлган ва бу ишларни алоҳида-алоҳида кўриш имконияти бўлмаган ҳолларда, **суднинг ташаббуси**, давлат айбловини қўллаб-қувватловчи прокурор ёки жабрланувчи, унинг вакилининг ёхуд судланувчининг, унинг ҳимоячисининг, қонуний вакилининг илтимосномасига кўра суд бошқа шахсни ишда айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш учун асосларни аниқлаш юзасидан тегисли процессуал ҳаракатларни бир ойгача бўлган муддатда ўтказишни иш бўйича айблов далолатномаси ёки айблов хулосасини тасдиқлаган прокурорга топшириш ҳақида ажрим чиқаради”. Амалдаги қонунчилигимизга мувофиқ судлар дастлабки терговда эълон қилинган айбловдан оғирроқ айбловга ўтиши мумкинлиги назарда тутилмаган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 439-моддасида “Раислик қилувчи суд тергови бошланиши тўғрисида эълон қилади. Суд тергови айблов хулосасининг хулоса қисмида баён этилган, судланувчига қўйилган айбловни ёхуд айблов далолатномасида баён этилган айбловнинг мазмунини давлат айбловчиси томонидан ўқиб эшиттиришдан бошланади. Раислик қилувчи судланувчидан айбловнинг моҳияти унга тушунарли ёки тушунарсиз эканлигини ва ўз айбига иқдорлиги ёки иқдор эмаслигини сўрайди⁴” деган норма мавжуд. Амалдаги Жиноят-процессуал кодексида умумий асосларда келган ишлар бўйича судларнинг тарафларга ярашув ҳуқуқлари борлиги тушунтирилиши назарда тутилмаган, шунинг учун Жиноят-процессуал кодексининг 439-моддасида “**Агар судланувчи айбига иқдорлик билдирса, судланувчига эълон қилинган айблов Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 66¹-моддаси тартибида ярашув доирасига тушса, раислик қилувчи ярашув тартибини тушуттириб ўтади**” деган норма киритилса иш юритилишининг янада такомиллаштирилишига эришган бўлар эдик.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 449-моддасининг 4-қисмида “Давлат айбловчиси суд терговининг яқунларини инобатга олиб, ўз нутқида судланувчининг айблилиги ёки айбли эмаслиги тўғрисидаги хулосасини асослантириши лозим.

³ Ўзбекистон Республикаси «Жиноят-процессуал кодекси»

⁴ Ўзбекистон Республикаси «Жиноят-процессуал кодекси»

Давлат айбловчиси судланувчи айбли деган хулосага келганда, унга нисбатан қўлланилиши лозим бўлган жазо тури ва меъёри ҳақида судга ўз фикрини баён қилади⁵ деган норма мавжуд.

Ушбу нормадаги “давлат айбловчиси судланувчи айбли деган хулосага келганда, унга нисбатан қўлланилиши лозим бўлган жазо тури ва меъёри ҳақида судга ўз фикрини баён қилади” деган қисмини чиқариб ташлаш зарур, чунки тарафларда суднинг холислигига шубҳа тўғдириши мумкин.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки жиноят ишларини биринчи инстанция судида иш юритишда Жиноят-процессуал кодекси нормаларининг такомиллаштирилиши одил судловнинг амалга оширилишининг муҳим кафолатидир.

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.05.2023 й, <https://lex.uz>
2. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 28 июлдаги ЎРҚ-703-сонли «Судлар тўғрисида»ги Қонуни, <https://lex.uz>
3. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси // [Электрон манба]. URL: <https://www.lex.uz/acts/111460>

⁵ Ўзбекистон Республикаси «Жиноят-процессуал кодекси»